

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик  
тўғрисида»ги қонунини ўрганиш бўйича услубий  
қўлланма



Самарқанд – 2007

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

**Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик  
тўғрисида»ги қонунини ўрганиш бўйича услубий  
қўлланма**

Самарқанд – 2007

0001/1  
Э.А.А.А.А.А.

**Муаллиф: С.Д.Дустқулов, Ҳайвонлар, генетикаси,  
селекцияси ва ветакушерлик кафедраси мудири,  
доцент.**

Услубий қўлланма институт олимлар кенгаши йиғилишида  
кўриб чиқилган ва тавсия этилган.

Республикамизда чорвачилик кишлок хўжалигининг устивор сохаларидан бири бўлиб, кишиларни сут, гўшт, тухум, асал каби истеъмол маҳсулотлари ва саноатни жун, тери, мўйна, пилла каби хомашё маҳсулотлари билан таъминлайди. Бундан ташқари чорва хайвонлари кишлок хўжалигида ҳар хил ишларни бажаришда ишчи хайвонлар сифатида қўлланилади. Чорва моллари ва паррандалар гунги деҳқончиликда қимматли маҳаллий ўғит сифатида ернинг унумдорлигини ошириш ва экинларнинг хосилдорлигини кўпайтиришда фойдаланилади.

Чорвачиликнинг ривожланиши энг биринчи навбатда наслчилик ишини тўғри ташкил қилишга, юқори сифатли зотдор хайвонларни кўпайтиришга боғлиқдир. Чунки насли хайвонлар маҳаллий молларга нисбатан анча йирик, тез етилувчан бўлиб икки – уч баробар кўп маҳсулот берадилар. Бундан ташқари насли молларни урчитиш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб маҳсулот бирлигига кам озуқа сарфлайдилар. Улардан замонавий механизациялашган, автоматлашган фермаларда фойдаланиш мумкин. Наслчилик иши хайвонларни тўғри озиклантириш, асраш ва улардан тўғри фойдаланиш билан бирга олиб борилганда юқори маҳсулдор насли подалар, зотлар, тизимлар, оилалар яратилади.

Президентимиз ва ҳукуматимиз чорвачиликни ривожлантириш ҳамда наслчилик ишини яхшилашга катта эътибор бериб келмоқдалар. 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Бу қонуннинг мазмуни, моҳияти ва вазифаларини билиш бўлғуси мутахассислар: зоотехник, ветеринария врачлари, фермерлар учун муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бакалаврлар ва магистрларни чорва молларини урчитиш, селекция асослари, хайвонларни сунъий уруғлантириш, кўпайтириш, наслчилик иши каби фанларни ўқитишда «Наслчилик тўғрисида»ги қонунни ўрганишга алоҳида эътибор бериш зарур. Юқоридаги фанларда шу мақсад учун 2 соат маъруза ажратилиши мақсадга мувофиқ. «Наслчилик тўғрисида»ги қонун 25 моддадан иборат.

1 – модда. Наслчиликнинг асосий вазифаларини белгилайди.

Қуйидагилар наслчиликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Хайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш мақсадида наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, такрор кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш;

Селекция жараёнида фойдаланиладиган наслчилик ресурсларининг келиб чиқиши аниқ ҳисобга олинишини, маҳсулдорлигини, типий ва бошқа сифатлари бўйича баҳолашини таъминлаш;

Наслдор эркак хайвонларни авлодининг сифатига кўра синовдан ўтказиш;

Янги фойдали генетик белгиларга эга бўлган хайвонлар олиш;

Селекция ишида жаҳондаги энг қимматли генофонддан самарали фойдаланиш;

Муайян жойга хос ва мамлакатимизда йўқ бўлиб бораётган зотлар генофондини сақлаб қолиш;

Махсулот етиштириладиган подаларда хайвонларнинг наслдорлик ва махсулдорлик сифатларини ошириш ҳамда сермахсул хайвонларни жадал кўпайтириш;

Бутун чорвачилик тармоғининг иктисодий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш.

Бу вазибаларни бажариш буйича республикамизда анчагина ишлар қилинган ва қилинмоқда. Энг яхши насли хайвонларга эга бўлган наслчилик корхоналари, хўжаликлари, фермалари, селекция марказлари, ипподромлар, назорат – синов станциялари, иммуногенетик лабораториялар мавжуд. Кўпгина наслчилик хўжаликларида юқори махсулдор насли хайвонлар яратилган ва улар баҳоланмоқда. Наслдор буқалар, қўчқорлар авлоди сифатига қараб баҳоланмоқда. Қорамол зотларини яхшилашда жаҳондаги энг қимматли генофондлар:

Голштин, англер, швид зоти буқаларининг уруғидан фойдаланилмоқда. Лекин, шу билан биргаликда янги фойдали генетик белгиларга эга бўлган хайвонлар олиш, йўқолиб бораётган генофондлар: маҳаллий зебусимон қорамоллар, бушув зоти, хисори қўйларни, қуланги товуклари, қорабайир от зотини сақлаб қолиш ва кўпайтириш анча суғ бормоқда.

Қонуннинг 2 – моддаси асосий тушунчалар тўғрисида. Ушбу қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Наслчилик – селекция мақсадида наслдор хайвонларни урчитиш, насли махсулот етиштириш ва ундан фойдаланиш;

Наслдор хайвон – келиб чиқиши ҳужжатлар билан тасдиқланган, муайян зотни кўпайтириш учун фойдаланиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган хайвон;

Насли махсулот – наслдор хайвон, унинг уруғи ва эмбрионлари, наслдор тухум, ипак қурти уруғи;

Бонитировка – хайвонларнинг наслдорлик ва махсулдорлик сифатларини баҳолаш;

Генофонд зот – муайян зотга мансуб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги кам учрайдиган хайвонлар гуруҳи;

Наслдор хайвонлар ва наслдор подаларни давлат рўйхатига олиш – келиб чиқишини аниқлаш ва махсулдорлигини белгилаш мақсадида наслдор хайвонлар ҳамда наслдор подалар ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиш;

Сертификат – наслдор хайвоннинг келиб чиқиши, махсулдорлиги ва бошқа сифатларини, шунингдек уруғ ёки эмбрионнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжат. Хар бир талаба бу тушунчаларни билиши зарур.

**3 – модда** - Наслчилик объектлари ҳақида.

## Қорамол зотлари



Сут йўналишидаги қора-ола зоти



Гўшт йўналишидаги қозоқи оқбош зоти

Наслдор хайвонлар – қорамоллар, қўйлар, эчкилар, отлар, туялар, чўчкалар шунингдек паррандалар, балиқлар, асаларилари, ипак қурти, ёввойи хайвонлар ва уларнинг насли махсулоти наслчилик объектлари ҳисобланади.

**4 – модда.** Наслчилик субъектлари тўғрисида.

Наслчилик иши билан шугулланувчи илмий тадқиқот муассасалари, қорхоналар ва хўжалиқлар, селекция марказлари, ипподромлар, иммуногенетик назорат лабораториялари, назорат синов станциялари, эмбрионларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) марказлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар – насли махсулот эгалари, наслчилик субъектлари ҳисобланади. Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси институти, Ўзбекистон пиллачилик илмий тадқиқот институти ва уларнинг қошидаги селекция марказлари наслчилик иши билан шугулланади.

**5 – модда.** Наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида.

Наслчилик соҳасидаги муносабатлар ушбу қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

**6 – модда.** Наслчилик бўйича Давлат хизматига раҳбарлик қилиш.

## От зотлари




Араб от зоти



Будённый от зоти



Дон от зоти



Тер от зоти

Наслчилик бўйича Давлат хизматига раҳбарлик қилишни қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси амалга оширади. Вилоятларда ва Тошкент шаҳрида наслчилик бўйича давлат хизматига раҳбарлик қилишни хокимликлар хузуридаги наслчилик ишлари давлат инспекциялари амалга оширадидлар.

7 – модда. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг наслчилик ишлари бош давлат инспекциясининг ваколатлари:

Тармоқда ягона илмий техника сиёсатини амалга оширади;

Наслчиликни ривожлантиришнинг давлат ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этади;

Наслли махсулот экспертиза қилинишини таъминлайди;  
Наслчиликдаги нормативлар ва қоидаларни тасдиқлайди;  
Наслдор ҳайвонларни, наслчилик ҳужаликлари ва подаларини тегишинча давлат китобида ва давлат регистрида рўйхатга олади;  
Сертификатлар беради;

Наслчилик соҳасида селекция, биотехнология ва ирсият – муҳандислик усулларини қўлланиш шартларини белгилайди;

Наслли ҳайвон турларининг рўйхатини белгилайди;

Кам сонли ва йўқ бўлиб бораётган зотлар генофондини сақлаб қолиш тўғрисида таклифлар киритади.

**8 – 9 моддалар.** Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияларининг ваколатлари, чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекторлари ваколатлари тўғрисида.

**10 – модда.** Наслчилик субъектларининг ҳуқуқлари тўғрисида. Наслчилик субъектлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Наслчиликни ривожлантириш мақсадида ҳайвонларни урчитиш бўйича уюшмаларга, жамиятларга кириш, наслчилик соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш;

Селекция ютуқларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш;

Наслли махсулот савдо кўргазмаларида ва кўрикларида иштирок этиш;

Наслли махсулотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш ва сотиб олиш;

Ҳозирги пайтда вилоятларда наслчилик субъектлари насли моллар: қорамоллар, қўйларнинг кўриги ва қим ошди савдоси аукционларда қатнашмоқдалар. Масалан, ҳар йили Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси институтида наслик қорақўл қўйлари аукционга ўтказилади.

**11-модда.** Наслчилик субъектларининг бурчлари ҳақида.

Наслчилик субъектлари:

Наслчилик ҳисоб- китобини ва ҳужжатларини юритади;

Наслчилик ресурслари яхшиланишини, сақланишини, тақрор қўпайтирилишини ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашлари;

Ҳайвонлар махсулдорлиги ҳисоб-китобини юритиши;

Ҳужаликни аттестациядан ўтказиш, наслдор ҳайвонлардан фойдаланиш учун руҳсатнома олиш учун ҳужжатларни чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциясига тақдим этишлари;

Наслли махсулотнинг сифатини қафолатлашлари шарт. Қўпгина наслчилик субъектларида ҳисоб – китоб, наслчилик ҳужжатларини юритиш талаб даражасида эмас. Назорат соғимлари, сутнинг ёғини ва оксиланини аниқлаш амалга оширилмайди.

**12 – модда.** Наслли махсулотга эгалик ҳуқуқи.

Наслли махсулот (материал) давлатнинг, наслдор ҳайвонларни урчитиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланаётган юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мулки бўлиши мумкин.

**13 – модда.** Наслчиликда интеллектуал мулк ҳақида.



Наслдор ҳайвонлар селекциясида эришилган ютуқларнинг натижалари интеллектуал мулк объекти ҳисобланади, уларга муаллифлик ва улардан фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

**14 – модда.** Наслли махсулотни (материални) экспорт ва импорт қилиш.

Наслли махсулотни (материални) экспорт ва импорт қилиш Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади. Охириги йилларда кўпгина наслчилик хўжалиқларига четдан: Россия, Қозоғистон, исроил Германия каби мамлакатлардан насли мол ва уруғ сотиб олиб келинмоқда.

**15 – модда.** Наслдор ҳайвонларни, наслчилик хўжалиқлари ва подаларини давлат рўйхатига олиш ҳақида.

Наслдор ҳайвонларни, наслчилик хўжалиқлари ва подаларини давлат рўйхатига олиш тегишинча давлат наслдор ҳайвонлар китобида ва давлат наслчилик регистрида қайд этиш орқали амалга оширилади.

**16 – модда.** Наслли махсулотни (материални) сертификатлаштириш.

Наслли махсулот (материал) наслчиликнинг белгиланган стандарт-лари, нормалари ва қондаларига мувофиқлиги тўғрисида мажбурий сертификатлаштирилиши лозим. Наслли махсулотни сертификатлаштириш наслдор ҳайвонларнинг келиб чиқишини, махсулдорлигини, уларда генетик нуқсонлар йўқлигини, шунингдек уруғ ёки эмбрионларнинг келиб чиқиши ва сифатини аниқлаш ҳамда ҳужжатлар билан тасдиқлаш мақсадида ўтказилади.

**17 – модда.** Наслчилик бўйича давлат тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни маблағ билан таъминлаш.

Наслчилик хўжалиқларининг ҳаммаси ўз фаолиятини тўла хўжалик ҳисобида амалга оширади ва қонун ҳужжатларида белгиланадиган имтиёзлардан фойдаланади.

Наслчилик бўйича давлат тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни маблағ билан таъминлаш Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

**18 – модда.** Наслчилик соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳақида.

Наслчиликни илмий жиҳатдан таъминлашни фанлар академияси, илмий – тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлиари, селекция марказлари амалга оширадиган. Улар давлат наслчилик хизмати ва идоралари билан биргаликда қўйидагиларни ишлаб чиқадилар:

Наслчиликка оид давлат илмий техника дастурларини;

Ҳайвонлар ва паррандаларнинг мавжуд зотлари, типлари, линиялари ҳамда кроссларини такомиллаштириш ва янгиларини яратиш, наслчилик ресурслари генофондини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишга доир селекция – генетик дастурларини;

Селекция жараёни самарадорлигини ошириш, ҳайвонларни такроп кўпайтириш, уларнинг махсулдорлигини ошириш усуллари ва йўлларини;

Наслли махсулотни (материални) баҳолаш ва генетик назорат қилиш учун услубийлар, техника воситаларни ва назорат – ўлчов асбоб – ускуналарини;

Наслчиликка оид ахборот билан таъминлаш тизимларини; Қорамол зотларини яхшилаш, янги зот, тип, линиялар яратиш дастурлари Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институти томонидан қоракўл зотини яхшилаш,

янги зот завод типларини яратиш дастурлари Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси томонидан, ипак куртининг янги зотлари, линиялари ва кроссларини яратиш дастури Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган.

**19 – модда.** Наслдор хайвондан фойдаланиш шартлари.

Наслдор хайвондан, агар у:

Тамғаланган ёки хайвоннинг келиб чиқишини аниқ идентификация қилиш имконини берадиган бирон – бир бошка йўсинда унга белги қўйилган бўлса;

Рўйхатдан ўтказилган ва унга сертификат олинган бўлса, зотни такрор кўпайтириш мақсадида фойдаланилади.

**20 – модда.** Наслдор хайвонларнинг уруғи ва эмбрионларидан фойдаланиш шартлари.

Наслдор хайвонларни уруғи ва эмбрионларидан агар улар:

Қишлоқ хўжалик хайвонларини сунъий уруғлантириш ва эмбрионларни кўчириб ўтказиш билан шуғулланувчи ташкилотлардан олинган бўлса;

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган наслдор хайвонлардан олинган бўлса;

Идентификация қилиш мақсадида аниқ белги қўйилган бўлса;


Сертификатга эга бўлса, фойдаланилади.

Республикамизда хайвонларни сунъий уруғлантириш ва эмбрионларни кўчириб ўтказиш талаб даражасида эмас. Бунинг асосий сабаби керакли асбоб – ускуналарнинг етишмаслиги ва сунъий қочириш бўйича техниклар ва мутахассисларнинг тайёргарлик даражасидир.


**21 – модда.** Наслли махсулот (материал) бонитровкаси.

Наслли махсулот (материал) бонитровкаси наслчилик билан шуғулланувчи барча ташкилотларда ҳар йили ўтказилади. Амалда кўпгина хўжаликларда бонитровка ўтказилмайди ёки талабга жавоб бермайди. Чунки бонитровка ўтказиш учун керак бўлган ҳужжатлар ўз вақтида тўлдириб борилмади.

## Ҳайвонларни тамғалаш



Қорамолларни шохида тамға босишда ишлатиладиган асбоб ва рақамлар



Қорамолларнинг тамғалашда ишлатиладиган игнали рақамлар ва татуировка қайчиси



Ҳайвонларга эн солишда ишлатиладиган қайчи



Тамғалаш учун қулоқ тешадиган қайчи



Қорамол қулогини сирғалаш

**22 – модда.** Наслдор эркак ҳайвонларни баҳолаш.

Зотни такрор кўпайтириш учун танлаб олинган наслдор эркак ҳайвонлар авлодининг сифати ва ўз маҳсулдорлиги бўйича текширилиши ҳамда баҳоланиши лозим.

Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолашни наслчилик ташкилотлари наслдор ҳайвонларнинг белгиланган маҳсулдорлик даражасига қараб ўтказадилар.

Республикамизнинг кўпгина наслчилик хўжаликларида наслдор эркак ҳайвонларни авлодлари сифатига қараб баҳолаш яхши йўлга қўйилмаган. Назорат – синов молхоналари етарли эмас. Кўпгина хўжаликларда авлоди сифати бўйича баҳоланмаган наслдор эркак ҳайвонларнинг уруғидан фойдаланилади.

**23 – модда.** Наслчилик соҳасидаги низоларни ҳал этиш.

Наслчилик соҳасида келиб чикувчи низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**24 – модда.** Наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**25 – модда.** Халқаро шартномалар ва битимлар.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки битимларида ушбу қонунда назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

Ҳозирги пайтда наслчилик ишларини Европа давлатлари даражасига етказишга ҳаракат қилинмоқда. Молларни тамғалаш учун Германиядан

келтирилган пластмасса ва темир биркаларини кулогига осонгина такиб қўйиш билан янгича тамғалаш тизимига ўтилмоқда.

Корамолларни хориждан келтирилган уруғлар билан сунъий уруғлантирилган насли моллар хақидаги маълумотлар дархол компьютерга киритилиб, ушбу маълумотлар Республика «Насл – хизмат» уюшмасидаги компьютерга узатилмоқда ва бу ерда таҳлил қилинмоқда.

Янги «Сут ва сут – гўшт йўналишидаги корамол зотларини бонитровка қилиш қўлланмаси» яратилган ва қўлланилмоқда. Наслчилик хўжаликларидаги молларни шохсизлантириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу молларга озиқа харажатини камайтиради, уларни соғиш ва даволашни осонлаштиради.

Республикамізда насли сигирларни Германиядан келтирилган зотдор буқаларнинг уруғи билан қочирилмоқда ёки частиштириб юқори насли дурагайлар олинмоқда.

Бу тадбирларни қўллаш натижасида олинган дурагай молларнинг махсулдорлик имконияти камида 1,5 – 2 марта ошиши кутилмоқда. Бундай сигирларни зоотехника талаблари асосида озиклантириш шароитида ўртача 3500 – 4000 кг ва ундан юқори микдорда сут олиш мумкинлиги қўпгина олимларнинг илмий тажрибаларида исботланган. Умунан паст озиклантириш шароитида хайвонларнинг ирсий имконияти тула рўёбга чикмайди. Шунинг учун биринчи навбатда наслчилик ва фермер хўжаликларида озуқа базасини мустаҳкамлаш зарур.

Қўпгина наслчилик ва товар хўжаликларида сунъий қочириш яхши йўлга қўйилмаган ва сигирларни қочириш учун паст сифатли, текширилмаган буқалардан фойдаланилмоқда. Буни олдини олиш учун ҳамма хўжаликларда сигирлар ва таналарни наслчилик корхоналарида тўпланган юқори махсулдор буқаларнинг уруғи билан сунъий қочиришни йўлга қўйиш зарур.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиklarининг сони кундан кунга қўпайиб бормоқда. Уларда чорва моллари сони ва махсулдорлигини оширишнинг асосий омили наслчилик ишини ташкил қилиш, сунъий қочиришни йўлга қўйиш, бирламчи наслчилик ҳужжатларини юритиш, назорат соғимни ўтказиш, сутнинг ёғлигини аниқлаш, хайвонларни бонитровка қилиш ҳисобланади.

Наслчилик ишини юритишда насли хайвонларни аукционларда сотиш, кўргазмалар ўтказиш катта аҳамиятга эга. Уларда наслчилик хўжалиklarининг ютуқлари, насли хайвонлар, замонавий янги технологиялар намойиш қилинади.

босишга рўхсат этилди  
№14 буюртма, 1,0 босма тобок хажми  
60x84 1/16 50 нусха  
СамҚХИ босмахонасида чоп этилди  
Самарканд шаҳар., М. Улугбек кўчаси, 77